

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 24 январь • №3 (1284)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТУЗИЛМАСИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони, "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 22 июндаги ПК-3800-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида аутсорсинг тизимини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда

аутсорсингга ўтказиладиган хизматлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки: давлат тиббиёт ташкилотларида аутсорсинг асосида хизматлар мазкур қарорнинг 1-иловага келтирилган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади. Рўйхатда келтирилмаган хизматлар аутсорсерга давлат тиббиёт ташкилотининг ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда ўтказилади; аутсорсерга хизматларни таъминлаш учун ижара шартномаси доирасида вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари, шу жумладан тегишли инвентарлардан фойдаланганлик учун ижара тўлови ноль ставка бўйича белгиланади; хизматлар аутсорсинг асосида ташкил этилиши муносабати билан тўлган пул маблағлари, биринчи навбатда, давлат тиббиёт ташкилотларининг тегишли аутсорсинг хизматлари сифатини яхшилашга йўналтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: бир ой мuddатда, эксперимент тарикасида Тошкент шаҳрининг Олмазор, Шайхонтоҳур ва Юнус-Обод туманларида жойлашган давлат тиббиёт муассасаларининг стерилизация хизматларини аутсорсерга ўтказиш тўғрисида эълон берилишини таъминлаш ва белгиланган тартибда аутсорсерлар билан шартнома тузилишини назоратга олсин;

ўн кун мuddатда, стерилизация хизматларини кўрсатиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; экспериментнинг ижобий натижаларига кўра аутсорсинг шартлари асосида стерилизация хизматлари республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам омма-лаштириш чораларини кўрсин; соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ҳалқаро стандартлар даражасига кўтариш мақсадида, тиббий ва нотибий хизмат турларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, шу жумладан аутсорсерга ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда хусусий сектор вакиллари сонини 2025 йилга қадар 35 фоизга етказиш чораларини кўрсин; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шадманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 10 январь,  
16-сон

А. АРИПОВ

(Давоми 2-бетда).

## Матбуот анжумани

### АҲОЛИНИНГ КОРОНАВИРУС БЎЙИЧА ЭПИДЕМИК ВАЗИЯТДАН ХАВОТИРЛАНИШИГА АСОС ЙЎҚ



Кунни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бугунги кунда долзарб бўлиб турган коронавирус ҳамда грипп касалликларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда мутахассислар томонидан Хитой Халқ Республикаси Ухан шаҳрида юзага келган коронавируснинг янги типли эпидемияси юзасидан батафсил маълумот берилди. Жорий йил 23 январь тоғлиги ҳолатидаги маълумотларга кўра, Хитойда 600 дан зиёд ҳолатда коронавирус касаллиги аниқланган. Ушбу хасталиқдан 17 нафар инсон вафот этган.

Мазкур ҳолат юзасидан 22 январь кунни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўтказилган фавкулдада йиғилишда мутахассислар халқаро

фавкулдада ҳолат эълон қилишдан олдин авж олган касаллик ҳақида кўпроқ маълумот олишлари кераклиги тўғрисида қарорга келишган. ЖССТ расмийлари учрашувини пайшанба кунни, Хитой ҳукумати тақлифига биноан Уханга бир қатор Осие мамлакатларидан келган шифокорлардан маълумот олганидан сўнг давом эттиришга қарор қилишган. ЖССТ раҳбари Тедрос Гебрейесус ваҳима кўтаришга ҳеч қандай сабаб йўқлигини қайд этди. Унинг сўзларига кўра, Хитойнинг Ухан шаҳрида самарали карантин бўйича кўраётган жуда қатъий

чоралари эпидемиянинг мамлакатда авж олишининг олдини олишга ҳамда унинг тарқалиш эҳтимолини камайтиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, Европа соғлиқни сақлаш идоралари ушбу вируснинг тарқалиш хавфини "ўртача" деб баҳолашмоқда. Шу билан бирга, ЖССТ коронавирус хавфининг олдини олиш бўйича ўз тавсияларини ҳам берган.

Хитойда коронавирус бўйича эпидемик вазият мураккаблашиши сабабли мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Uzbekistan Airports" АЖ ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тиббий-санитария хизмати томонидан давлат чегарасини, айниқса, Хитойни кесиб ўтган шахсларнинг юқори сифатли тиббий мониторингини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" ҳамда "Ўзбекистон хаво йўллари" АЖ тизимидаги фаолият юритаётган ходимлари иштрокида эпидемик вазият ва унинг олдини олиш юзасидан семинарлар ўтказилди. Бундан ташқари, Республика Вирусология илмий текшириш институти интенсив терапия бўлимида коронавирусга гумон қилинган беморларни қабул қилиш учун махсус бокс тайёрлаб қўйилди. Республикадаги аэропорт ва темир вокзаллари санитария карантин пунктларида ушбу касалликка гумон қилинган бемор аниқланса, уни дарҳол изоляторга изо-

ляция қилиш, коронавирусга лаборатор таҳлилини ўтказиш учун намуна олиш тартиби белгилаб қўйилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан коронавирус инфекциясининг янги турини юртимиз ҳудудида четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Коронавируснинг янги тури (nCoV) қарши олиб бориладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш тўғрисидаги услубий қўлланма ҳам тайёрланган. Анжуманда коронавирус касаллигининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан қатъий назоратга олингани, Хитойдаги коронавирус бўйича эпидемик вазиятдан юртимиз аҳолисининг хавотирланишига асос йўқлиги таъкидланди. Шунингдек, анжуманда, грипп ва ўткир юқумли респиратор касалликларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси

каси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари бош врачлари томонидан грипп ва ўткир юқумли респиратор касалликларининг олдини олиш борасида изчил фаолият олиб борилмоқда. Юртимиздаги барча шифохоналар етарли даражада тиббий-асбоб ускуналар, дори-дармонлар ҳамда тиббиёт ходимлари билан таъминланган. Ушбу жараёнда, айниқса, болаларни грипп ва ўткир юқумли респиратор касалликларидан ҳимоялашга жиддий аҳамият берилмоқда. Биргина Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, бешта болалар клиник шифохонаси ва 4-сон шаҳар клиник шифохонасидаги болалар бўлими хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда шаҳар шифохоналаридаги мавжуд 1267 та ўрин юқори юқлама билан иш-ламоқда. Бунга сабаб, қиш кунларида болалар ўртасида мавсумий ўткир респиратор касалликларини вақтинчалик кўпайиши. Шунингдек, шу кунларда Инвестиция дастурига асосан пойтахтимиздаги 3-сон болалар шифохонасида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда сўнгги уч кун ичида шаҳардаги бошқа тиббиёт муассасаларида қўшимча 150 та ўринлар ташкил этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТУЗИЛМАСИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИ  
КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДАВазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 10 январдаги  
16-сон қарорига 1-ИЛОВАЎзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
тузилмасидаги ташкилот-  
ларда аутсорсингга ўткази-  
ладиган хизматлар  
РЎЙХАТИ

1. Нотиббий хизмат турлари: миждоларни овқат билан таъминлаш; кир ювиш хизмати; бино ва иншоотларни сақлаб туриш, шунингдек, уларни муҳандислик-техник тизимларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.
2. Тиббий хизмат турлари: тиббий буюмларни зарарсизлантириш.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 10 январдаги  
16-сон қарорига  
2-ИЛОВАЎзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
тузилмасидаги ташкилот-  
ларда аутсорсинг хизмат-  
лари кўрсатиш тартиби  
тўғрисидаги  
НИЗОМ

- 1-боб. Умумий қоидалар
  1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда давлат тиббиёт муассасалари деб аталади) аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.
  2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
    - аутсорсинг — давлат тиббиёт муассасаларининг айрим функцияларини ёки хизматларини шартнома асосида аутсорсерга ўтказиш;
    - аутсорсер — шартнома асосида буюртмачига аутсорсинг хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти;
    - буюртмачи — давлат тиббиёт муассасалари.
  3. Буюртмачи хизматларини аутсорсерга ўтказишда куйидаги шартларга риоя қилиши шарт:
    - аутсорсерни қонун ҳужжатлари асосида танлаб олиш;
    - аутсорсерга ўтказиладиган ишлар (хизматлар) сифатини ошириш;
    - буюртмачининг аутсорсерга бериладиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан банд бўлган ходимлар сонини (штатини) қисқартириш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотлар хизматларини аутсорсерга ўтказишида уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва ҳўжалик фаолияти харажатларини қисқартириш, фаолиятининг асосий бўлмаган турларини ривожлантириш учун инвестицияларга бўлган эҳтиёжини камайтириш ҳамда аутсорсерга берилган ишлар (хизматлар)нинг сифатини ошириши лозим.

4. Аутсорсер ходимларининг буюртмачига тегишли ҳудудга белгиланган тартибда олдиндан тақдим этилган рўйхат асосида киришига рўхсат берилди.

5. Аутсорсинг хизматини кўрсатиш жараёнида махфийлик тартибига риоя этиш буюртмачи томонидан таъминланади.

2-боб. Аутсорсинг  
хизматларига нарх  
белгилаш тартиби

6. Аутсорсинг хизматларига (миждоларни овқат билан таъминлаш хизматидан ташқари) ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотлар томонидан тегишли хизмат таннархига (иш ҳақи, иш ҳақига ажратма, моддий харажатлар, билвосита харажатлар) аутсорсернинг харажатларини қоплаш мақсадида 20 фоизгача устама ҳақни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

7. Аутсорсинг бўйича овқатланишни ташкил этиш хизмати нархи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган бир беморга бир кунлик овқатланишнинг нормасидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг энг юқори нархлардан ошмайдиган нархларига аутсорсернинг харажатларини қоплаш мақсадида 20 фоизгача устама ҳақни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

3-боб. Аутсорсерни  
танлаш, шартнома тузиш ва  
ҳисоб-китобларни амалга  
ошириш тартиби

8. Аутсорсер Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ танланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 27 сентябрдаги ПК-3953-сон қарорига мувофиқ, давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартнома-

лар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатидан ташқари барча ҳолларда аутсорсерни танлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича аутсорсер энг яхши таклифларни тақдим этган талабгорлар орасидан танлаб олинади. Танлов жараёнида катта иш тажрибасига, тегишли молиявий, моддий-техника ва логистика базасига эга бўлган талабгорларга устунлик берилди.

Буюртмачи томонидан аутсорсерни танлаш мақсадида танлов ўтказиш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

## 10. Аутсорсер талабгорларига нисбатан куйидаги талаблар қўйилади:

тадбиркорлик субъекти бўлиши;

аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши;

молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рўхсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензияга ёки рўхсатномага эга бўлиши.

11. Аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома буюртмачи ва аутсорсер ўртасида календарь йил учун ушбу Низомга 2-иловада келтирилган аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномага мувофиқ икки нусхада тузилади. Бунда, аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қониқтирган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра шартнома мuddати навбатдаги календарь йил учун узайтирилиши мумкин.

12. Кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 15 фоизи миқдоридан олдиндан, 85 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса — кейинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.

Аутсорсер ва буюртмачи ўртасида ҳисоб-китоблар мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

4-боб. Аутсорсер ва  
буюртмачининг ҳуқуқлари  
ва мажбуриятлари13. Аутсорсер куйидаги  
ҳуқуқларга эга:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат тиббиёт ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоклари ва мебеладан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш;

ижара шартномаси доирасида бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва мuddатда талаб қилиш; кўрсатилган хизматлар учун 20 фоизгача устама ҳақини олиш;

хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартнома ўзгартириш қиритиш таклифи билан чиқиш;

кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш.

Аутсорсер қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 14. Аутсорсер:

ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда оголантириш, ушбу мuddат тугагунга қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши лозим.

Аутсорсер зиммасига қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

15. Буюртмачи куйидаги  
ҳуқуқларга эга:

товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Буюртмачи шартномага мувофиқ белгиланган мuddат ва шартлар асосида аутсорсерга кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириши лозим.

Буюртмачи зиммасига қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

5-боб. Аутсорсинг хизмати  
кўрсатилиши юзасидан  
назорат ва мониторингни  
амалга ошириш

17. Аутсорсер томонидан санитария қоидалари ва меъёрлари бажарилиши ҳолатининг мониторингини олиб бориш ҳамда овқатланишда кунлик синамалар олиш давлат тиббиёт ташкилотининг тегишли ходимлар зиммасига юкланади.

18. Аутсорсинг хизматларини мониторинг қилиш буюртмачи томонидан шартномада белгиланган шартларда ва мuddатларда амалга оширилади.

19. Аутсорсер томонидан ташкил этилган хизматларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ мувофиқлиги ваколатли органлар томонидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

20. Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиши буюртмачи ва аутсорсер ўртасида тузилган шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишига асос бўлади.

21. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

(Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловалари билан газетанинг @uzssg.uz телеграмм канали орқали танишасиз).

## ИМКОНИАТ

## СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Маълумки, ҳар бир соҳа тараққиёти учун бир қатор асослар талаб этилади. Табиийки, улардан энг асосийсини тизимга ажратиладиган сармоа ташкил этади. Мазкур маблағларнинг давлат бюджетети ҳисобидан ажратилиши эса мамлакатда мазкур йўналишга қаратилган эътибор даражасини белгилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сўнги уч йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган маблағлар сезиларли даражада оширилди.

Молия вазирлигининг маълумотига кўра, соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришга жорий йилда давлат

ажратилиш назарда тутилган. Маълумотда ажратилган маблағларнинг айрим фаолият турлари кесимида кўриниши ҳам келтирилган. Улар куйидагича:

а) шошлиқнинг тиббий ёрдам муассасаларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар харажатлари учун 2020 йилда 102,8 миллиард сўм ажратилиши кўзда

тутилаётган бўлса, 2016 йилда 16,3 миллиард сўм ажратилган; б) соғлиқни сақлаш соҳасининг энг оғир нуқталаридан бири бўлган онкология муассасаларида даволанадиган ҳар бир беморнинг бир кунлик дори воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлаш харажатлари учун бюджет маблағлари 2016 йилда-

ги 3 250 сўмдан 2020 йилда 66 227 сўмгача оширилди; в) аҳолига тез тиббий ёрдам хизмати учун ҳар бир қақирувга 2016 йилда ўртача 482 сўмдан ажратилган бўлса, 2020 йилда бундай харажат тури учун 6 700 сўмдан ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарори ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жон бошига ва "ҳар бир даволанган ҳолат учун" молиялаштириш механизми тажриба-синов тарзида жорий этиладиган Сирдарё вилояти тиббиёт ташкилотла-

рининг рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларини "ҳар бир даволанган ҳолат учун" Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жон бошига молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мо-

лия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимасида Сирдарё вилояти "соғлиқни сақлаш" тизимидagi муассасаларнинг штатлари доирасида 7 кишидан иборат тиббий хизматлар бўйича давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларни тузиш ва бажарилган ишларни қабул қилиш бўлимини ташкил этсин;

молиялаштиришнинг янги механизмига ўтаётган тиббиёт ташкилотлари учун стационар ва амбулатор шартнома беморларни даволаш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш мақсадида мавжуд электрон бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот дастурларини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқланган тиббий ёрдам сифати стандартларига мувофиқ ордерлар ва йўлнамалар бериш, тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда 2020 йил

1 декабрдан бўлган муддатда тажрибани амалга оширишнинг оралик якунлари бўйича ахборотини, шунингдек, тажриба-синов натижаларига кўра амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Кўчқоров ва А.А. Абдухалимов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 10 январь,  
19-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 19-сон қарорига 1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жон бошига ва "ҳар бир даволанган ҳолат учун" молиялаштириш механизми тажриба-синов тарзида жорий этиладиган Сирдарё вилояти тиббиёт ташкилотларининг РЎЙХАТИ**

Т/р		Тиббиёт ташкилоти номи
2020 йил 1 апрелдан		
1.	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази	
2.	Вилоят кўз диспансери	
3.	Вилоят наркологиya диспансери	
4.	Вилоят кардиология диспансери	
5.	Вилоят тери-таносил диспансери	
6.	Вилоят ўсма касалликлар диспансери	
7.	Вилоят эндокринология диспансери	
8.	Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси	
2020 йил 1 июлдан		
1.	Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси	
2.	Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси	
3.	Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси	
4.	Боёвут туман тиббиёт бирлашмаси	
5.	Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси	
6.	Мирзабод туман тиббиёт бирлашмаси	
7.	Оқ олтин туман тиббиёт бирлашмаси	
8.	Сардоба туман тиббиёт бирлашмаси	
9.	Сайхунбод туман тиббиёт бирлашмаси	
10.	Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси	
11.	Ховос туман тиббиёт бирлашмаси	
12.	Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази	
13.	Республика шошилик тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё филиали	
14.	Вилоят перинатал маркази	

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 19-сон қарорига 2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларини "ҳар бир даволанган ҳолат учун" Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу вақтинчалик низоом (кейинги ўринларда Низоом деб аталади) Сирдарё вилоятининг тиббиёт ташкилотларини Сирдарё вилояти молия бошқармаси, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) ва тиббиёт ташкилоти ўртасида давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) тузиш орқали клиник-харажат гуруҳлари асосида ҳар бир даволанган ҳолат учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низоом "ҳар бир даволанган ҳолат учун" молиялаштириш тизими тажриба-синов тарзида ўтаётган Сирдарё вилоятининг тиббиёт ташкилотларига нисбатан қўлланилади.

3. Ушбу Низоомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ҳар бир даволанган ҳолат — клиник хизмат кўрсатиш якунланган ҳолат бўлиб, миқдор таъхис қўйиш ва даволашнинг тасдиқланган баённомаларига

мувофиқ тиббиёт ташкилотидан бўлган вақтда кўрсатилган тиббий хизматларни ўз ичига олади ёки мазкур босқичда тиббий хизмат кўрсатишнинг муайян якуний натижасига эришилди туфайли хизмат кўрсатишнинг якунланиши;

клиник-харажат гуруҳлари (КХГ) — бир хил ва ўхшаш клиник вазиятлар бўйича нисбатан тенг ресурс сарфлайдиган ва қийматга эга бўлган тиббий хизматлар тўплами; ҳар бир даволанган ҳолат учун базавий тариф — миқдорга тиббий хизмат кўрсатиш учун базавий харажатларнинг меъёри бўлиб, КХГ асосида бир даволанган ҳолат учун хизматлар қиймати ҳисоб-китобидан келиб чиқиб белгиланади;

давлат харидлари тўғрисидаги шартнома — миқдорга тиббий хизмат кўрсатиш учун ваколатли органлар (давлат бюртмачиси) ва тиббиёт ташкилотлари (давлат харидлари ижрочиси) ўртасида Давлат бюджети ва/ёки давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағлари ҳисобига тузиладиган битим;

мураккаблик индекси — КХГ бўйича ҳар бир даволанган ҳолат учун ўрта ҳисобда-

ги базавий тариф қийматидан оғишиш коэффициентини бўлиб, тиббий хизмат кўрсатиш усулига ва уни кўрсатишга сарфланадиган харажатларга боғлиқ бўлади; тиббий-иқтисодий экспертиза — тиббиёт ташкилоти томонидан тўловга тақдим этилган ҳисобварақлардаги кўрсатилган тиббий хизматлар ҳажмининг асослигини эксперт баҳолаш.

**2-боб. Молиялаштиришнинг прогност ҳажмини аниқлаш ва шартномаларни тузиш тартиби**

4. Молия йилида тиббиёт ташкилотига бир шартнома доирасида ажратилган маблағлар ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 февралгача қуйидагиларни тасдиқлайди:

ҳар бир даволанган ҳолат учун базавий тариф ва мураккаблик индекслари; стационар тиббий ёрдам олиши режалаштирилган миқдорлар сони.

5. "Ҳар бир даволанган ҳолат учун" базавий тарифини ва мураккаблик индексини ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

6. Тиббиёт ташкилоти билан "ҳар бир даволанган ҳолат учун" шартнома Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тегишли тиббиёт ташкилотлари учун ажратилган маблағлар доирасида тузилади.

7. Ваколатли органлар ва тиббиёт ташкилоти ўртасида "ҳар бир даволанган ҳолат учун" бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақи ушбу Низоом иловасига мувофиқ намунавий шакл бўйича тузилган шартномага мувофиқ туланади.

8. Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари молия органлари билан биргаликда тиббиёт ташкилотлари бюджетларини ҳисоблаб чиқади, шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди ва улар билан шартнома имзолангандан кейин уч кун ичида тиббиёт ташкилотларига етказилади.

9. Молия йилида шартномага мувофиқ даволанган ҳолатлар ҳақини тўлаш учун маблағлар ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$M\chi = N \times \text{БТ}$ , бунда,  
 $M\chi$  — муайян молия йили учун шартнома бўйича маблағлар ҳажми;

$N$  — молия йилидаги барча режалаштирилган даволанган ҳолатлар сони;

БТ — ҳар бир даволанган ҳолат учун тасдиқланган базавий тариф. Бунда базавий тариф тиббиёт ташкилотини сақлаб туриш учун зарур бўлган маблағлардан шакллантирилади. Асосий воситаларни харид қилиш, капитал қурилиш ва таъмирлаш харажатлари базавий тариф тар-

кибига қирмайди.

10. Тиббиёт ташкилотининг даромадлари ва харажатлари сметалари ваколатли органлар билан тузилган шартномада кўрсатилган маблағ ва бошқа даромадлар кўзда тутилган ҳолда тузилади.

11. Тиббиёт ташкилотлари ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида муस्ताқил равишда:

келгуси йил учун даромадлар ва харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

муассаса ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низоомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

кутилаётган даромадлар доирасида ходимлар сонини муқтақил белгилайди, такомиллаштирилган тариф сеткаси бўйича базавий лавозим маошларидан, шунингдек, устама ва қўшимчалардан келиб чиққан ҳолда штат жадвалини тасдиқлайди.

12. "Ҳар бир даволанган ҳолат учун" молиялаштириш тизимига тажриба-синов тарзида ўтаётган Сирдарё вилоятининг тиббиёт ташкилотлари учун амалдаги намунавий штат нормативлари тавсиявий ҳусусиятга эга.

**3-боб. Кўрсатилган тиббий хизматлар учун тиббиёт ташкилотлари харажатларини тўлаш тартиби**

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш ваколатли органлар билан тузилган шартномада назарда тутилган маблағнинг 1/12 қисмини қуйидаги кетма-кетликда харажатлар моддаларига бўлмаган ҳолда алоҳида сатр билан амалга оширилади:

ҳар ойнинг 5 санасигача бўлган муддатда режалаштирилган маблағнинг 70 фоизи миқдорда тиббиёт ташкилотининг харажатларини қоплаш учун олдиндан тўлов;

қолган 30 фоиз маблағ кейинги ойнинг 15 санасигача шартнома шартларига кўра бажарилган дастлабки ҳисобот ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

14. Тиббиёт ташкилотлари ҳар чоракда аввалги чорак учун дастлабки ҳисоб ҳужжатлари асосида тиббий ёрдам кўрсатилиши бўйича беморлар реестрини шакллантиради, ўзаро ҳисоб-китобларни якунлаш учун шакллантирилган ҳужжатлар асосида таққослама далолатнома тузади, улар тиббий хизматлар ҳақини тўлаш учун ҳисобварақ-фактура билан бирга ҳисобот давриддан кейинги ойнинг 10 санасигача ваколатли органларга тақдим этилади.

(Давоми 4-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларини “ҳар бир даволанган ҳолат учун” Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

15. Тиббиёт ташкилотлари томонидан шартномада белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилмаслиги натижасида олдиндан тўлов сифатида тўланган маблағ кейинги ҳисобот чорагадана назарда тутилган маблағ ҳисобидан қайтариш орқали ушлаб қолинади.

Бунда шартномада белгиланган мuddатдаги ҳажмдан ортиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловни тўлашга шартнома доирасида аввалги даврда бажарилмаган ҳажмлар ҳисобига йўл қўйилади.

16. Тиббиёт ташкилотлари томонидан шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда бажарилганда, ҳисобот даври якунида шахсий газна ҳисобварағида қолган бюджет маблағлари бюджетга қайтарилмайди. Ушбу маблағлар тиббиёт ташкилотини ривожлантириш ва ҳодимларни рағбатлантириш учун ишлатилади.

17. Шартномада кўрсатилган тиббий хизматларнинг ҳажми ва қиймати ёки бошқа омилларнинг таъсири натижасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади.

### 4-боб. Тиббий-иктисодий экспертиза

18. Тиббий иқтисодий ҳужжатларнинг тўғри шакллантирилганлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тиббий-иктисодий экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади.

19. Тиббий-иктисодий экспертиза куйидаги параметрлар бўйича бирламчи тиббий ҳужжатлар асосида ҳар чорақда ўтказилади:

даволанган беморлар реестрининг тўғри тўлдирилганлиги;  
мижозни тиббиёт ташкилотига жойлаштиришнинг асослилиги;  
мижозни даволашда ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя этилганлиги;

тиббий хизматлар ҳақини тўлаш учун тақдим этилган ҳисобварақ-фактурадаги суммаларнинг даволанган беморлар реестридаги суммаларга мувофиқлиги.

20. Тиббий ёрдам кўрсатишда ташхис қўйиш ва даволаш сифатига доир белгиланган стандартларга мос келмаган ҳолатлар аниқланган тақдирда, тиббий-иктисодий экспертиза натижалари белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва ваколатли шахслар томонидан имзоланади.

21. Тиббий-иктисодий экспертиза натижаларига кўра тиббий хизмат ҳажмларини сунъий ошириб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда, ортиқча тўланган маблағлар кейинги тўловларда ушлаб қолинади.

22. Тиббий-иктисодий экспертиза ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги устидан назорат ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

### 5-боб. Якунловчи қондалар

23. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги “ҳар бир даволанган ҳолат учун” молиялаштириш тизимига тажриба-синлов тарзида ўтаётган Сирдалар вилоятининг тиббиёт ташкилотлари фаолиятида вужудга келадиган масалаларни ўзаро ҳамкорликда тартибга солиш ваколатига эга.

24. Ушбу Низом талабларига риоя қилмаганлиги учун мансубдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларини “ҳар бир даволанган ҳолат учун” Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомига

ИЛОВА

20 \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ №, № \_\_\_\_\_ ;

### Кўрсатилган тиббий ёрдамнинг қиймати ва ҳажмига мувофиқ “ҳар бир даволанган ҳолат” бўйича ҳақ тўлаш юзасидан НАЪМУНАВИЙ ШАРТНОМА

20 \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ шаҳри \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси номидан, Низом асосида иш кўрувчи, бундан кейин “Молия бошқармаси” деб юритилади, бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси номидан, Низом асосида иш кўрувчи, бундан кейин “Буюртмачи” деб юритилади, бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ шифохона (диспансер) номидан, Низом асосида иш кўрувчи, бундан кейин “Хизмат кўрсатувчи” деб юритилади, бош шифокор \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ тиббиёт ташкилотларини “ҳар бир даволанган ҳолат учун” Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомига мувофиқ мазкур шартнома-ни куйидагилар тўғрисида тўғри:

### I. Шартнома предмети

1. “Буюртмачи” аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг ҳажмини тасдиқлайди, “Хизмат кўрсатувчи” мазкур ҳудудда яшовчи шахсларга зарур стационар тиббий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. “Хизмат кўрсатувчи” ушбу шартномага иловага мувофиқ ҳажмларда тиббий ёрдам олишни истаган шахсларга зарур стационар тиббий ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олади.

3. “Молия бошқармаси” тегишли газначилик бўлимлари орқали шахсларга кўрсатилган стационар тиббий ёрдамнинг қийматини мазкур шартнома шартларида белгиланган ҳажмларда ва тартибда бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб беради.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 4. “Молия бошқармаси”нинг ҳуқуқлари:

\* “Хизмат кўрсатувчи”дан мазкур шартнома талабларига риоя қилиши бўйича назорат ўрнатиш мақсадида миқозларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам турлари, ҳажмлари ва бошқа маълумотларни олиш;

\* бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш масалалари, ҳисоботларни тўғри тузиш бўйича “Хизмат кўрсатувчи”нинг фаолияти юзасидан текширувлар ўтказиш;

\* “Хизмат кўрсатувчи” фаолиятига эътирозлар билдириш, зарар етказилган ҳолатларда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уни ундириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш.

#### 5. “Молия бошқармаси”нинг мажбуриятлари:

\* молия йили учун вилоят бюджетни параметрларида тасдиқланган ва тегишли туман учун тақсимланган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадларига йўналтириладиган бюджет маблағлари ҳажмини “Буюртмачи”га етказиш;

\* “Хизмат кўрсатувчи”га кўрсатилаётган тиббий ёрдам учун шартноманинг 3-бандига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан ўз вақтида молиялаштиришни амалга ошириш;

\* “Хизмат кўрсатувчи”нинг давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан тиббий хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолияти ва ҳисоботнинг тўғри тузилиши бўйича назорат ўрнатиш;

\* Қонунчиликда ва мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

#### 6. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

\* беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш қондаларига амал қилинишининг аҳоли юзасидан назорат ўрнатиш учун “Хизмат кўрсатувчи”дан доимий равишда тегишли маълумотлар олиш;

\* кўрсатган тиббий хизмат мазкур шартнома талабларига ҳажм ва сифат жиҳатидан мос келиши юзасидан мониторинг ўрнатиш, текширувлар ўтказиш;

\* “Хизмат кўрсатувчи” фаолиятига эътирозлар билдириш, зарар етказилган ҳолатларда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уни ундириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш;

#### 7. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

\* молия йили учун аниқланган тиббий хизмат ҳажми (давлат буюртмасини) “Хизмат кўрсатувчи”га бажариш учун тақдим этиш мақсадида мазкур шартномага иловага мувофиқ тасдиқлаш;

\* “Хизмат кўрсатувчи” стационар шариотда даволаётган беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам шартлари, ҳажми, мuddати, сифати юзасидан назорат ўрнатиш;

\* Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Хизмат кўрсатувчи” стационар шариотда даволаётган беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам шартлари, ҳажми, мuddати, сифати юзасидан ўтказиладиган текширувларда иштирок этиш;

\* фуқароларнинг давлат томонидан қафолатланган тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотлар, тиббий хизмат ҳажмлари, турлари ва уни олиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар билан “Хизмат кўрсатувчи”ни таъминлаш;

\* Қонунчиликда ва мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

#### 8. “Хизмат кўрсатувчи”нинг ҳуқуқлари:

\* мазкур шартнома асосида кўрсатилган тиббий ёрдам учун ўз харажатларини қоплашга бюджетда белгиланган ҳажмлардаги маблағни олиш;

\* кўрсатилаётган тиббий хизмат харажатларини қоплаш учун бюджет маблағларини олиш жараёнидаги муаммолар юзасидан вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилиш.

#### 9. “Хизмат кўрсатувчи”нинг мажбуриятлари:

\* диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ йўлланма асосида мурожаат қилган шахсларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш;

\* Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ беморларнинг танлов асосида даволаниш ва шифокорини танлаш ҳуқуқини рўйга чиқариш, тиббий хизматларни мазкур шартномада белгиланган ҳажмлар ва мuddатлар доирасида тиббиёт амалиёти, технология ва касб этикасининг юксак даражасида кўрсатиш;

\* миқоз соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги шифокор сирини ошқор қилмаслик;

\* миқозларга “Хизмат кўрсатувчи”нинг иш тартиби, кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари, унинг сифати ва мувофиқлиги юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

\* кўрсатиладиган тиббий хизматнинг ҳажми, мuddатлари, сифати ва шартлари юзасидан ўтказиладиган назорат учун тегишли маълумотларни “Буюртмачи” ва “Молия бошқармаси”га ҳисобот даврининг кейинги ойи 25 санасигача бўлган мuddатда тақдим этиш;

\* бюджет маблағларидан фойдаланганлик ва шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли органларга ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

\* “Хизмат кўрсатувчи” ёки унинг ҳодимларининг айби билан миқознинг соғлиғига етказилган зиёни, шунингдек, бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиққан зарарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш;

\* Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

### III. Томонларнинг жавобгарлиги

10. “Молия бошқармаси” бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан назорат ўрнатишга жавобгардир.

11. “Буюртмачи” шартнома асосида тўловларни амалга ошириш тизимига ўтиш жараёнида “Хизмат кўрсатувчи”га ташкилий ва методик ёрдам кўрсатиш ва тиббий хизмат сифати бўйича назоратни таъминлаш учун жавобгардир.

12. “Хизмат кўрсатувчи” миқозларга диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ сифатли ва зарур ҳажмларда тиббий ёрдам кўрсатиш учун жавобгардир.

### IV. Форс-мажор

13. Томонларнинг ҳар бири, агар ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч оқибатида (ер қимирлаши, сув тошқини, энгин, эпидемия ва бошқа табиий офатлар) юз берса, ушбу мuddатларга мажбуриятлар бажарилмиши кечиктирилади ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

#### V. Шартноманинг амал қилиш мuddати ва уни бекор қилиш тартиби

14. Мазкур шартнома уни барча томонлар имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва молия йили якунигача 20 \_\_\_\_\_ йил 31 декабргача амал қилади.

15. Томонлар шартнома шартларини бажаришдан бир томонлама воз кечиш ҳуқуқига эга эмас.

16. Мазкур шартнома куйидаги ҳолатлар юз берган пайтдан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади: томонлардан бирининг тугатилиши; томонлар ёзма равишда шартномани бекор қилиш тўғрисида ахдлашув тузиб, ваколатли вакиллар томонидан имзоланиши.

17. Мазкур шартнома бекор қилинганда, томонлар 10 кун мuddат ичида ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириб, дебитор ва кредитор қарздорликларни тугаллаб, якуний ҳисоб-китоблар тўғрисида тегишли далолатнома тузади.

#### VI. Якунловчи қондалар

18. Мазкур шартномада назарда тутилмаган барча бошқа масалалар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида иш кўрсатади.

19. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган бўлса, ва томонларнинг бунга ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

20. Мазкур шартнома ҳар бир томон учун бир нусхадан, жами тўрт нусхадан тузилди, барча нусхалар ўхшаш ва бир хил юридик кучга эгадир.

21. Мазкур шартномани бажаришда пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкони борича томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

(Давоми. Боши 3-бетда).

(Давоми 5-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларини “ҳар бир даволанган ҳолат учун” Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга ИЛОВА

20\_ йил “ ” №, № \_\_\_\_\_;

## Кўрсатилган тиббий ёрдамнинг қиймати ва ҳажмига мувофиқ “ҳар бир даволанган ҳолат” бўйича ҳақ тўлаш юзасидан НАЪМУНАВИЙ ШАРТНОМА

### VII. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари:

#### БУЮРТМАЧИ:

Манзили: \_\_\_\_\_

Х/Р \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

ИНН \_\_\_\_\_

ОКОНХ \_\_\_\_\_

ИНН \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ М.Ў.

#### МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ:

Манзили: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Х/Р \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ИНН

\_\_\_\_\_

ОКОНХ \_\_\_\_\_

ИНН \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ М.Ў.

#### ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ:

Манзили: \_\_\_\_\_

Х/Р \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

ИНН \_\_\_\_\_

ОКОНХ \_\_\_\_\_

ИНН \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 19-сон қарорига 3-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жон бошига молиялаштириш тартиби тўғрисидаги ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

#### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) Сирдарё вилоятидаги қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникалари, шунингдек, марказий кўп тармоқли поликлиникаларни (кейинги ўринларда бирламчи бўғин муассасалари деб аталади) бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб, шартномалар асосида молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом жон бошига молиялаштириш тизимига ўтаётган Сирдарё вилоятига нисбатан қўлланилади.

3. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат харидлари тўғрисидаги шартнома — аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун бир тарафдан ваколатли органлар (давлат буюртмачиси) ва бошқа тарафдан тиббиёт ташкилотлари (давлат харидлари ижросиси) ўртасида Давлат бюджети ва/ёки давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағлари ҳисобига келишилган ҳажмларда ёзма шаклда тузиладиган битим;

тузатиш коэффициенти — маълум бир муҳим омилларни (аҳоли жинси ва ёши ҳамда зичлиги) ҳисобга олган ҳолда, базавий харажатлар меъёрини тузатиш учун ишлатиладиган коэффициентлар;

бириктирилган аҳоли — белгиланган тартибда бирламчи бўғин муассасасида тиббий хизмат олиш учун рўйхатдан ўтган аҳоли;

базавий харажатларнинг меъёри (аҳоли жон бошига молиялаштириш) — Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида бир фуқарога бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизмат кўрсатиш учун харажатларнинг ягона стандарти, ушбу муассасаларнинг йил давомида хизматларнинг барча ҳажмлари учун тўлов миқдорини аниқлашда фойдаланилади.

4. Бирламчи бўғин муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### 2-боб. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига аҳолини бириктириш тартиби

5. Аҳоли бирламчи бўғин муассасаларига тегишли туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарининг буйруғи би-

лан бириктирилади.

6. Бирламчи бўғин муассасаларига бириктирилган аҳоли сони ва таркиби бўйича ахборот тегишли туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбари томонидан тузилади, аҳолининг умумий сони эса ҳудудий статистика органи (туман/шаҳар) раҳбари томонидан тасдиқланади.

7. Бириктириш режалаштирилган давр бошида бирламчи бўғин муассасалари томонидан хизмат кўрсатиладиган участкалар асосида 1-иловага мувофиқ шакл бўйича амалга оширилади.

#### 3-боб. Бирламчи бўғин муассасалари бюджетини аниқлаш

8. Бирламчи бўғин муассасаларининг бюджети базавий харажатларнинг меъёри асосида режалаштирилади.

9. Ҳар бир бирламчи бўғин муассасасини йиллик молиялаштириш ҳажми базавий харажатларнинг меъёри ва бирламчи бўғин муассасасига бириктирилган аҳоли сони ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, қуйидаги формула бўйича тузатиш коэффициенти раҳбаридан фойдаланилган ҳолда аниқланади:

$MIX = XBM_{режа} \times BAS \times XTK$ , бунда:

MIX — режалаштирилган йилда ҳудуд бирламчи бўғин муассасаларини йиллик молиялаштириш ҳажми;

XBM<sub>режа</sub> — режалаштирилган йилдаги базавий харажатларнинг меъёри;

BAS — режалаштирилган йил бошида бирламчи бўғин муассасасига бириктирилган ҳудуддаги аҳоли сони;

XTK — алоҳида ҳудудларда бирламчи бўғин муассасаларини молиялаштириш имкониятини ҳисобга оладиган ҳудудий тузатиш коэффициенти.

Бориш қийин бўлган ҳудудлар рўйхатлари ва мураккаб географик шароитларда ишлаш учун қўшимча ҳақларнинг аниқ миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

10. Базавий харажатларнинг меъёрини аниқлашда бирламчи бўғин муассасаларининг имтиёзли рецептлар бўйича бериладиган дори-дармонлар, шунингдек, капитал таъмирлаш ва қурилиш ҳамда қимматбаҳо ускуналарни харид қилиш харажатлари назарда тутилмайди.

11. Бирламчи бўғин муассасаларини сақлаб туриш учун харажатлар ҳар ойда ўртача тахминан йиллик бюджетнинг 12 дан бир қисми миқдоридан айрим тиббий хизмат турларига бўлган эҳтиёжлар мавсумий ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда молиялаштирилади. Ҳар ой учун молиялаштиришнинг прогноз ҳажмлари 2-иловада келтирилган шаклдаги шартномаларда

белгиланади. Бирламчи бўғин муассасалари вафот этган, ҳисобдан чиқарилган ва янги бириктирилган аҳолини ҳисобга олган ҳолда, бириктирилган аҳоли ҳақида ҳар чоракда соғлиқни сақлашни бошқариш органларини ва молия органларини хабардор қилади.

12. Алоҳида бирламчи бўғин муассасасини молиялаштиришнинг йиллик ҳажми базавий харажатларнинг меъёри ҳисоб-китоби ва бирламчи бўғин муассасаларига бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициенти раҳбаридан (аҳоли жинси ва ёши ҳамда зичлиги) фойдаланган ҳолда аниқланади.

13. Йиллик маблағлар ҳажми базавий харажатларнинг меъёри белгиланган тартибда иш ҳақларини ошиши ҳамда коммунал хизматларнинг тарифларини ўзгариши ҳисобига қайта кўриб чиқиши мумкин.

14. Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳудудий молия бошқармаси билан келишилган ҳолда, бирламчи бўғин муассасалари бюджетларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда туман (шаҳар) молия органларига белгиланган тартибда етказилади.

15. Бирламчи бўғин муассасалари ажратилган доирда маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустақил равишда: келгуси йил учун даромадлар ва харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; муассаса ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

кутилаётган даромадлар доирасида ходимлар сонини мустақил белгилайди, тақомиллаштирилган тариф сеткеси бўйича базавий лавозим маошларидан, шунингдек, устама ва қўшимчалардан келиб чиққан ҳолда штат жадвалини тасдиқлайди.

Тажриба доирасидаги тиббиёт ташкилотлари учун амалдаги намунавий штат нормативлари тавсиявий хусусиятга эга.

#### 4-боб. Кўрсатилган хизматлар учун бирламчи бўғин муассасалари харажатлари ҳақини тўлаш тартиби

16. Бирламчи бўғин муассасаларининг тиббий хизмат ҳақи ҳар ойда (харажатлар гуруҳини ажратмай) тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ, шунингдек, 2-иловага мувофиқ шартномада белгиланган келишилган тиббий ёрдам ҳажмлари қиймати доирасида тўланади.

17. Тиббий хизматлар узлуksиз кўрсатилишини ва жорий харажатлар қоплашини таъминлаш мақсадида бирламчи бўғин муассасаларига бюджет маблағлари ҳар ойда икки босқичда, бошқа харажатлар таркибидан харажатлар моддалари бўйича алоҳида сатрда, тегишли шахсий

газна ҳисобварақларига ўтказган ҳолда қуйидаги тартибда ажратилади:

ҳар ойнинг 5 санасигача бўлган мuddатда бирламчи бўғин муассасаларига ойлик режали бюджетдан ажратиладиган маблағлар режалаштирилган суммасининг 85 фоизи миқдоридан олдиндан тўлов ўтказилади (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ягона ижтимоий тўлов тўлаш, дори-дармонлар харид қилиш ва бошқа харажатлар учун);

қолган 15 фоизи чорак якунлангандан сўнг кейинги ойнинг 15 санасигача бирламчи бўғин муассасаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини тасдиқладиган ҳужжатлар ҳаққонийлиги текширилгандан сўнг амалга оширилади.

18. Бирламчи бўғин муассасалари фаолиятининг самарадорлиги Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади. Тақдим этилган маълумотлар ҳаққонийлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

19. Ҳар бир бирламчи бўғин муассасасини шартномага мувофиқ унинг учун режалаштирилган бюджет доирасида амалда молиялаштириш ҳажми бириктирилган аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми ва сифатига боғлиқ, бироқ тасдиқланган харажатлар сметаси ҳажмининг 85 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

20. Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда якунланган, ҳисобот даври охирида (чорак, йил) шахсий газна ҳисобварақига қолган бюджет маблағлари бирламчи бўғин муассасалари томонидан бюджетга қайтарилмайди. Ушбу маблағлар тиббиёт ташкилотини ривожлантириш ва ходимларини рағбатлантириш учун ишлатилади.

#### 5-боб. Якунловчи қоидалар

21. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги жон бошига молиялаштириш тизимига тахриба-синов тарзида ўтаётган Сирдарё вилоятининг тиббиёт ташкилотлари фаолиятида вужудга келадиган масалаларни ўзаро ҳамкорликда тартибда солиш ваколатига эга.

22. Ушбу Низом талабларига риоя қилмаганлиги учун мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жон бошига молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга 1-ИЛОВА

### 20\_ йил 1 январдаги ҳолатга кўра туман (шаҳар) аҳолисининг ТАРКИБИ

Т/р	Поликлиникалар номи	Бириктирилган аҳоли, жами (сон)	Шу жумладан:	
			0 – 12 ой ёш	13 ой – 18 ёш
			18 ёш ва ундан катта аҳоли	
			Жами	Шу жумладан: 18 – 49 ёшли аёллар
Шаҳар (туман) бўйича жами				

Шаҳар (туман) соғлиқни сақлаш органи раҳбари

Ф.И.О. ва имзо

Шаҳар (туман) статистика бўлими бошлиғи

Ф.И.О. ва имзо

(Давоми. Боши 3-4-бетларда).

(Давоми 6-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини  
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан жон бошига молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомига  
2-ИЛОВА

20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ №, № \_\_\_\_\_;

### Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан кўрсатилган тиббий ёрдамнинг жон бошига ҳақ тўлаш юзасидан НАЪМУНАВИЙ ШАРТНОМА

20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_  
шаҳри

\_\_\_\_\_ вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси номидан,  
Низом асосида иш кўрувчи, бундан кейин "Молия бошқармаси" деб юритилади,  
бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_,  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси номидан,  
Низом асосида иш кўрувчи, бундан кейин "Буюртмачи" деб юритилади,  
бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ (туман бирламчи бугин муассасаси)

(фамилияси, исми, отасининг исми)  
номидан, Низом асосида иш кўрувчи, бундан кейин "Хизмат кўрсатувчи" деб юритилади,  
бош шифокор \_\_\_\_\_, бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб, шартномалар

(фамилияси, исми, отасининг исми)  
асосида молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомига мувофиқ мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузди:

#### I. Шартнома предмети

1. "Буюртмачи" аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг ҳажмини тасдиқлайди,  
"Хизмат кўрсатувчи" мазкур ҳудудда яшовчи шахсларга зарур тиббий ёрдамни кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. "Хизмат кўрсатувчи" ушбу шартномага иловага мувофиқ ҳажмларда тиббий ёрдам олишни истаган шахсларга зарур тиббий ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олади.

3. "Молия бошқармаси" тегишли ғазначилик бўлимлари орқали шахсларга кўрсатилган тиббий ёрдамнинг қийматини мазкур шартнома шартларида белгиланган ҳажмларда ва тартибда бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб беради.

#### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

##### 4. "Молия бошқармаси"нинг ҳуқуқлари:

\* "Хизмат кўрсатувчи"дан мазкур шартнома талабларига риоя қилиниши бўйича назорат ўрнатиш мақсадида мижозларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам турлари, ҳажмлари ва бошқа маълумотларни олиш;

\* бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш масалалари, ҳисоботларни тўғри тузиш бўйича "Хизмат кўрсатувчи"нинг фаолияти юзасидан текширувлар ўтказиш;

\* "Хизмат кўрсатувчи" фаолиятига эътирозлар билдириш, зарар етказилган ҳолларда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уни ундириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш.

##### 5. "Молия бошқармаси"нинг мажбуриятлари:

\* молия йили учун вилоят бюджетни параметрларида тасдиқланган ва тегишли туман учун тақсимланган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадларига йўналтириладиган бюджет маблағлари ҳажмини "Буюртмачига"га етказиш;

\* "Хизмат кўрсатувчи"га кўрсатилаётган тиббий ёрдам учун шартноманинг 3-бандига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан ўз вақтида молиялаштиришни амалга ошириши;

\* "Хизмат кўрсатувчи"нинг давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан тиббий хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолияти ва ҳисоботнинг тўғри тузилиши бўйича назорат ўрнатиш;

\* Қонунчиликда ва мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

##### 6. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

\* беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларига амал қилинишининг аҳоли юзасидан назорат ўрнатиш учун "Хизмат кўрсатувчи"дан доимий равишда тегишли маълумотлар олиш;

\* кўрсатган тиббий хизмат мазкур шартнома талабларига ҳажм ва сифат жиҳатидан мос келиши юзасидан мониторинг ўрнатиш, текширувлар ўтказиш;

\* "Хизмат кўрсатувчи" фаолиятига эътирозлар билдириш, зарар етказилган ҳолларда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уни ундириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш;

##### 7. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

\* молия йили учун аниқланган тиббий хизмат ҳажми (давлат буюртмасини) "Хизмат кўрсатувчи"га бажариш учун тақдим этиш мақсадида мазкур шартномага иловага мувофиқ тасдиқлаш;

\* "Хизмат кўрсатувчи" беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам шартлари, ҳажми, муддати, сифати юзасидан назорат ўрнатиш;

\* Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Хизмат кўрсатувчи" мижозларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам шартлари, ҳажми, муддати, сифати юзасидан ўтказиладиган текширувларда иштирок этиш;

\* фуқароларнинг давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотлар, тиббий хизмат ҳажмлари, турлари ва уни олиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар билан "Хизмат кўрсатувчи"ни таъминлаш;

\* Қонунчиликда ва мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

##### 8. "Хизмат кўрсатувчи"нинг ҳуқуқлари:

\* мазкур шартнома асосида кўрсатилган тиббий ёрдам учун ўз харажатларини қоплашга бюджетда белгиланган ҳажмлардаги маблағни олиш;

\* кўрсатилаётган тиббий хизмат харажатларини қоплаш учун бюджет маблағларини олиш жараёнидаги муаммолар юзасидан, вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилиш.

##### 9. "Хизмат кўрсатувчи"нинг мажбуриятлари:

\* мурожаат қилган шахсларга диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ бепул тиббий хизмат кўрсатиш;

\* Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ беморларнинг танлов асосида даволаниш ва врачни танлаш ҳуқуқини рўйбга чиқариш, тиббий хизматларни мазкур шартномада белгиланган ҳажмлар ва муддатлар доирасида

тиббийёт амалиёти, технология ва касб этикасининг юксак даражасида кўрсатиш;

\* мижоз соғлигининг ҳолати тўғрисидаги шифокор сирини ошкор қилмаслик;

\* мижозларга "Хизмат кўрсатувчи"нинг иш тартиби, кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари, унинг сифати ва мувофиқлиги юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

\* кўрсатиладиган тиббий хизматнинг ҳажми, муддатлари, сифати ва шартлари юзасидан ўтазиладиган назорат учун тегишли маълумотларни "Буюртмачи"га ва "Молия бошқармаси"га ҳисобот даврининг кейинги ойи 25 санасигача бўлган муддатда тақдим этиш;

\* бюджет маблағларидан фойдаланганлик ва шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли органларга ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

\* "Хизмат кўрсатувчи"нинг ёки унинг ходимларининг айби билан мижознинг соғлиғига етказилган зиённи, шунингдек бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиққан зарарларни тўлиқ ҳажмида қоплаш;

\* Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

#### III. Томонларнинг жавобгарлиги

10. "Молия бошқармаси" бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан назорат ўрнатишга жавобгардир.

11. "Буюртмачи" шартнома асосида тўловларни амалга ошириш тизимига ўтиш жараёнида "Хизмат кўрсатувчи"га ташкилий ва методик ёрдам кўрсатиш ва тиббий хизмат сифати бўйича назоратни таъминлаш учун жавобгардир.

12. "Хизмат кўрсатувчи" мижозларга диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ сифатли ва зарур ҳажмларда тиббий ёрдам кўрсатиш учун жавобгардир.

#### IV. Форс-мажор

13. Томонларнинг ҳар бири, агар ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч оқибатида (ер қимирилаши, сув тошқини, ёнгин, эпидемия ва бошқа табиий офатлар) юз берса, ушбу муддатларга мажбуриятлар бажарилиши кечиктирилди ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

V. Шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш тартиби

14. Мазкур шартнома уни барча томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва молия йили якунигача 20\_\_ йил 31 декабргача амал қилади.

15. Томонлар шартнома шартларини бажаришдан бир томонлама воз кечиш ҳуқуқига эга эмас.

16. Мазкур шартнома қуйидаги ҳолатлар юз берган пайтдан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади:  
томонлардан бирининг тугатилиши;  
томонлар ёзма равишда шартномани бекор қилиш тўғрисида ахдлашув тузиб, ваколатли вакиллар томонидан имзоланиши.

17. Мазкур шартнома бекор қилинганда, томонлар 10 кун муддат ичида ўзаро-ҳисоб-китобларни солиштириб, дебитор ва кредитор қарздорликларни тугаллаб, якуний ҳисоб-китоблар тўғрисида тегишли далолатнома тузади.

#### VI. Якунловчи қоидалар

18. Мазкур шартномада назарда тутилмаган барча бошқа масалалар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида иш кўришади.

19. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган бўлса ва томонларнинг бунга ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

20. Мазкур шартнома ҳар бир томон учун бир нусхадан, жами тўрт нусхадан тузилди, барча нусхалар ўхшаш ва бир хил юридик кучга эгадир.

21. Мазкур шартномани бажаришда пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкони борича томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

#### VII. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари:

<b>БУЮРТМАЧИ:</b> Манзили: _____ _____	<b>МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ:</b> Манзили: _____ _____
Ҳ/Р _____	Ҳ/Р _____
МФО _____	МФО _____
ИНН _____	ИНН _____
ОКОНХ _____	ОКОНХ _____
ИНН _____	ИНН _____
« _____ » _____ сана _____ ИМЗО _____	« _____ » _____ сана _____ ИМЗО _____
_____ М.Ў.	_____ М.Ў.

<b>ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ:</b> Манзили: _____ _____
Ҳ/Р _____
МФО _____
ИНН _____
ОКОНХ _____
ИНН _____
« _____ » _____ сана _____ ИМЗО _____
_____ М.Ў.



## Жараён

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ  
БАРЧАМИЗ УЧУН МУҲИМ

Аҳоли саломатлиги — юрт бойлигидир. Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда мазкур масалага ҳар қачонгидан ҳам юқсак эътибор қаратилмоқда. Бу каби кенг куламли тadbирларда эса халқимизнинг барча қатлами бирдек қамраб олинмоқда. Мақсад, аҳоли саломатлигини тиббий профилактика билан таъминлашдир.

матолог, окулистар ҳам фаол иштирок этишди. 11 нафар болада ва 17 нафар туғиш ёшидаги аёлларда камқонлик, 17 нафар кекса ёшидагиларда гипертония, шунингдек, 7 нафа-

Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси ва 37-сонли оилавий поликлиника шифокорлари ҳамкорлигида Лутфий маҳалласи аҳолиси учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди. Ушбу тadbир жараёнида Президентимизнинг Тошкент шаҳар ва Чилонзор туманидаги Халқ қабулхонаси масъул мутасаддилари аҳоли учун сайёр қабул ташкил қилиб, соғлиқни сақлаш масаласида аҳолидан тушган мурожаатлар ҳам кўриб чиқилди. Бу борада аниқланган муаммолар тиббиёт бирлашмаси мутасаддилари билан ҳамкорликда бартараф этилди. Ижтимоий ҳимояга му-



рида эса овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари аниқланди. Уларнинг айримларига даволаниш учун йўланмалар, қолганларига эса муҳим тавсиялар берилди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ташаббуси билан Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли барча оилавий поликлиника тиббиёт ходимлари томонидан тумандаги 0-5 ёшли болалар ўртасида патронаж кўриқлари олиб борилмоқда. Бундан асосий мақсад, болаларда эрта касалликларни аниқлаш ва уларни соғломлаштиришдан иборатдир.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 2013 йил 15 ноябрдаги 168-сонли ва Халқ таълими бош бошқармасининг 2013 йил 15 ноябрдаги 345-сонли қўшма буйруқлари асосида Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмасининг 2019 йил 15 октябрдаги 344-сонли буйруғи ишлаб чиқилди ва тасдиқланган режа асосида туман мактабларида 2020 йил 13 январдан 16 мартгача ўқувчилар ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда 188, 66, 168, 101, 90, 128, 79, 126, 164, 162 мактабларида (2, 4, 6, 8, 9, 11-синфлар) тор доирадаги мутахассислар (асаб, кўз, қулоқ-томоқ-бурун, тиш, эндокрин ва бошқа касалликлар шифокори) томонидан 3656 нафар ўқувчилар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Айни кунларда ушбу тadbирлар изчил давом эттирилмоқда.

Раъно НОСИРОВА,  
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

тож фуқароларга эса зарурий тавсиялар берилди.

Шунингдек, тумандаги «Катта Қозиробод» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳудудда жойлашган 33-сонли оилавий поликлиниканинг ўтган йил мобайнида олиб борган фаолияти яқунлари юзасидан ахбороти тингланди. Йиғилишда Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси бошлигининг ўринбосари А. Низамов, 33-сонли оилавий поликлиника бош шифокори А. Мурадов, муовинлари, бўлинка мудирлари, МФЙ раиси Р. Қосимов, раис ўринбосарлари, МФЙ кенгаши аъзолари, уй ва кўча бошларлари, маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Йиғилишда асосан, соҳага оид чиқарилган қарорлар ижроси, шунингдек, амалдаги фаолиятларга эътибор қаратилди. Айниқса, йил давомида амалга оширилган тиббий

кўриқлар, патронаж хизмат, оммавий тadbирлар, бунинг баробарида оналар ва болалар саломатлиги бўйича ўтказилган профилактик ишларнинг самарали кечганиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари аҳоли ўртасида юқумсиз бўлган касалликларни олдини олиш борасида ҳам тарғибот ишлари кучайтирилганлиги хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

Шунингдек, Чилонзор тумани 36-сонли оилавий поликлиникага қарашли 3 – Чарх Камолно маҳалласида ҳам тиббий кўрик бўлиб ўтди. Унда 269 нафар аҳоли қамраб олинди. Шундан 76 нафар кекса ёшидагилар, 24 нафар болалар, 24 нафар туғиш ёшидаги аёллар лаборатор ва ЭКГ текширувларидан ўтказилди. Ушбу тиббий кўриқда тор соҳа мутахассисларидан невропатолог, лор, жарроҳ, стоматолог, кардиолог, рев-

## Унутманг!

СОҒЛИҒИНГИЗ ЎЗ  
ҚЎЛИНГИЗДА

Айни кунларда республикаимиз миқёсида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-tadbirlari тўғрисида»ги қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли кўрсатма хати асосида 2020 йилда ўтказиладиган оммавий тadbirlar бошлаб юборилди. Маълумки, тарғибот тadbirlari жараёни аниқ ҳафталик тақвим асосида ташкил этилган. Яна бир бор эслатиб ўтамиз, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг даволаш-профилактика муассасалари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари томонидан ҳафта кунларидаги тadbirlar қуйидаги тарзда ўтказилади:

Душанба – «Стрессларга қарши кураш кuni».

Сешанба – «Туз ва шакарни чеклаш кuni».

Чоршанба – «Тамақсиз кун».

Пайшанба – «Соғлом овқатланиш кuni».

Жума – «Пийда юриш кuni».

Шанба – «Саломатлик кuni».

Ўз саломатлигинизни муҳофаза қилиш учун албатта, мазкур жараёнларда фаол иштирок этишни унутманг!

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази.

## Билиб қўйган яхши

МОБИЛЬ ҚУРИЛМАНИ  
ҚАНДАЙ ОЛИБ ЮРИШ ТЎҒРИ?

Телефон чўнтақдан тушиб кетиб, синиб қолганини жуда кўп эшитганмиз. Бу кўнгилсизлик ўзимизнинг ҳам бошимиздан ўтган бўлиши мумкин. Шу боис, ушбу алоқа воситасидан фойдаланишни осонлаштириш ва уни синиб қолишдан эҳтиётлаш, энг муҳими, саломатлигимиз учун хавфсизроқ жойда сақлаш керак. Хўш, уни қандай тутиш лозим?

Бу саволнинг турли жавоблари мавжуд бўлса-да, энг мақбулини аниқлаб олиш, ундан фойдаланишни қулайлаштириш ва тиббий жихатларни ҳам кўриб чиқиш керак бўлади.

ОРҚА ЁКИ ОЛД  
ЧЎНТАККА СОЛИШ

Кўпчилик ёшлар телефони орқа чўнтақга солиб юришни афзал билишади. Аслида ҳам телефонни олд чўнтақка солиш тавсия этилмайди. Чунки ундан таралаётган нур жинсий аъзоларга таъсир қилиб, саратонни кўзгаши мумкин. Соғлом насл

ПАЛЬТО ЁКИ КУРТКАНИНГ  
ИЧКИ ЧЎНАТИГИДА САҚЛАШ

Тўғри, бу ёндашув бироз қулайроқ вариант ҳисобланиши мумкин. Яъни, устки кийимнинг ички чўнтақга солинган телефон тана билан контактга киришмайди. Аммо радиация учун бу мустаҳкам чегара дегани эмас. Зарарли нур барибир юрак ва ўпка мушакларига таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолатнинг мунтазам давом этиши юрак фаолиятининг ёмонлашиши, ўпкаларда ҳаво алмашинувининг бузилишини келтириб чиқаради.

## МАХСУС ФИЛОФДА ОЛИБ ЮРИШ

Смартфонни бундай олиб юришни кўпчилик хушламайди. Асосан, ёши катталар шундай қилишади. Аслида қурилмани махсус филофда олиб юриш энг безарар усул ҳисобланади.

Яна бир усул: бу ҳолат кўпроқ аёллар кузатилади. Яъни, улар ўз телефонларини сумкаларида олиб юришни тўғри йўл, деб билишади. Уларнинг назаридан ушбу усул унинг йўқолиб қолиш ва тушиб кетиш хавфини камайтиради.



Интернет маълумотлари.

## Обуна – 2020

## Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2020 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикаимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Баситхановага волидаи муҳтарамаси

## ЗАРИПАХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюмчаси Республика Кенгаши жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Баситхановага волидаи муҳтарамаси

## ЗАРИПАХОН аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Тошкент фармацевтика институти ректори

## Иброҳим АЛИМДЖАНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



## Благодарность врачам

## СПАСИБО ЗА РАДОСТЬ ЖИЗНИ



## Алишер Каюмович!

Хочу поделиться радостью нашей семьи, которой нет предела и конца. Я благодарна Вам за то, что в нашем городе работают доброжелательные, грамотные, прекрасные доктора. Моя искренняя признательность и огромное спасибо коллективу Бухарского филиала Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи за спасение жизни моего супруга! Я думаю, что это и Ваша заслуга! Профессионализм и компетентность медицинских работников, приехавших на помощь дорогого стоят! Желаю Вам успехов в работе, семейного счастья, благополучия и всего самого светлого и доброго!!!

Как редко обращаемся к Вам, чтобы сообщить о том, какие замечательные люди работают у нас в сфере здравоохранения. Как много врачей, которые когда-то поставили нам верный диагноз, провели грамотные лабораторные исследования, назначили правильное лечение. За добросовестной работой рядовых врачей стоят грамотные руководители, которые управляют большим коллективом, решают возникающие трудности в работе.

Таким славным врачом является и главный врач нашей поликлиники №6 – Нурхонов Оскар Рустамович. При обращении к нему он оперативно решает все вопросы, у него прекрасная команда, которая работает четко, как единый механизм. В этой поликлинике чуж-

дые врачи, медсестры и обслуживающий персонал. Без лишних слов, по одним понятным жестам и взглядам работают слаженно, с большой любовью к людям. От души желаю Оскар Рустамовичу, нашему участковому врачу А. Юсуповой, докторам Ш.Саидову, А. Мансуровой, Ф. Рафиковой, Р. Едгоровой, медсестре Ф. Хакимовой дальнейших успехов в работе, простых решений сложных задач в нелегкой профессии!

В сентября 2019 года у моего супруга С.Нигматова дома началась сильная одышка, и он начал задыхаться. Мы подумали, что это невралгия и обратились в нашу поликлинику. В поликлинике, осмотрев моего супруга, тут же доставили в Бухарский филиал Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи.

В приемном и шок-отделении Центра нам оказали помощь замечательные врачи – М. Файзуллаева, Ж. Яхшиев, Ж. Садуллаев, медсестра Г.Насуллаева. Затем нас перевели в отделение кардиореанимации, и там тоже началась борьба за жизнь моего супруга. Большое спасибо докторам – А. Тухтаеву, М. Ризаевой, медицинской сестре С. Махмудовой, санитарке А. Норовой за грамотно проведенное лечение, внимание.

От души хочу сказать слова благодарности врачам и медицинскому персоналу отделения кардиотерапии – заведующему отделением Р. Бахронову, доктору Г. Каюмовой, медсестрам –

Г. Ражабовой, М. Бахшиллаевой. Огромное спасибо докторам реабилитационного отделения Ш. Рамазанову и Э. Рахимову за высочайший профессионализм, за прекрасное знание своего дела, за доброе, чуткое и внимательное отношение к пациентам.

В Центре прекрасное отделение физиотерапии и лаборатория, которую возглавляет Садыкова Зилола. Своеременно и чутко идет сбор анализов, благодаря этим структурам, ставится правильный диагноз, лечение и выздоровление. Большое спасибо медсестрам Ю. Пулатовой, М. Хамраевой, М. М. Эшоной, З. Халиковой, Г. Рахимовой, А. Рахимовой.

Хочу поблагодарить хирурга Ш. Абдурахманова, заведующую неврологии Назиру, гинеколога Г.Норову, медсестру Д. Зоирову. Вот, где я увидела как профессионально, чутко с искренней добротой относятся к больным медперсонал. Ведь, от каждого из них исходила поддержка моему супругу. Вот, где я увидела безграничность и верность клятве Гиппократу.

Особую благодарность выражаю директору Бухарского филиала Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи М. Кенжаеву, главному врачу Т. Мусаяеву.

Пользуясь случаем, хочу поблагодарить и других славных врачей нашего города:

– заведующего ортопедии и травматологии Городской больницы Л. Норова, хирурга З. Жалолова;

– эндокринолога Н. Хасанову, специалиста УЗИ А. Арабову Бухарского областного эндокринологического диспансера за доброе и ласковое обращение с больными;

– стоматолога учебно-практического центра Бухарского государственного медицинского института М Норову;

– профессионалов своего дела Областного многопрофильного медицинского центра: сосудистого хирурга Ж. Сафарова; проктолога Х. Саидова, гастроэнтеролога Г. Сафарова, окулиста Ш. Мухаммедову;

– докторов Бухарского областного онкологического диспансера – Н. Максудову, М. Шарипова, У. Мамедова, а также медсестер – Н. Ботирову, Г. Насиеву, Д. Зоирову.

В настоящее время у мужа наблюдается положительная динамика во всем, он возвращается к нормальной жизни. И всё это благодаря высокому профессионализму врачей и медицинских сестер! Чуткость и забота, которую они проявляют ежедневно, передается больным и является дополнительным лекарством, и способствует их выздоровлению. Всем большое спасибо за лечение, внимание, заботу, неравнодушное отношение к пациентам, за радость жизни, за спасённое здоровье! Мир Вам во всем!

С уважением,  
Зульфия НИГМАТОВА,  
Бухара.

## Мы гордимся вами

## СЛУЖЕНИЕ НАРОДУ – СВЯТОЙ ДОЛГ КАЖДОГО

В Ташкентской области с каждым годом растет число медицинских работников среднего звена, вносящих достойный вклад в повышение качества оказываемых услуг, обеспечивающих надежную защиту здоровья населения, популяризацию здорового образа жизни в обществе, воспитывающих молодежь в духе патриотизма, уважения к национальным и общечеловеческим ценностям.

К числу таких замечательных людей можно отнести старшего фельдшера пункта скорой медицинской помощи Куйичирчикского районного медицинского объединения Миясар Мирзалходжаева.

Этой скромной, отзывчивой и обаятельной женщине, как никому другому известно, что профессия фельдшера очень ответственна и важна, поскольку именно ему часто приходится оказывать первую неотложную помощь, которая может спасти человеческую жизнь. И вправду, профессия фельдшера наиболее приближена к профессии врача. В его обязанности входит оказание первой помощи человеку, попавшему в аварию, катастрофу, внезапно заболевшему и т.п. Фельдшер производит предварительный осмотр больного, измеряет давление и пульс, устанавливает первичный диагноз и на основании этого диагноза ока-

зывает больному необходимую медицинскую помощь, проводит перевязки, инъекции и другие процедуры.

– Эта профессия впервые появилась в Германии, – рассказывает она. – Сам термин "feldscher" с немецкого языка переводится как "полевой цирюльник".

Как и любая профессия, связанная с медицинским обслуживанием больных людей, профессия фельдшера требует от работников таких личностных качеств, как самообладание, терпение, уравновешенность, умение быстро принимать решения в сложной, нестандартной обстановке и условиях дефицита времени. Для успешной работы здесь крайне важен интерес к медицине, постоянная готовность прийти на помощь людям.

После окончания Янгиюльского медицинского училища (теперь колледж) Миясар она многие годы проработала медицинской сестрой кабинета физиоте-

рапии. Старательную и честную работницу вскоре перевели в хирургическое отделение, где она научилась зашивать раны, проводить самые сложные перевязки, в совершенстве овладела техникой наложения гипсовых повязок. Последовательно изучала анатомию и физиологию человека, общие сведения о патологических процессах, происходящих в его организме, а также методы диспансерного обслуживания населения и правила ведения медицинской документации.

За 35 лет работы в сфере отечественного здравоохранения Мирзалходжаевой пришлось поработать со множеством специалистов разного образовательного уровня. И все они: медсестры, фельдшера, лаборанты, врачи – посвятили себя самой нужной, интересной и человеческой области деятельности – облегчению страданий больных, борьбе за их жизнь и здоровье.

Нашей героине счастье улыбнулось и в личной жизни. Вместе с любимым супругом Абдунаилем Мирзалходжаевым Миясар оп воспитала четверых детей, которые подарили им пятерых внуков.

Родина по достоинству оценила заслуги старшего фельдшера



пункта скорой медицинской помощи. На основании Указа Президента Республики Узбекистан "О награждении группы работников сферы здравоохранения в связи с Днем медицинских работников" от 9 ноября 2019 года Миясар Мирзалходжаева награждена орденом "Мехнат шухрати".

Сегодня талантливый медик искренне благодарит главу нашего государства за заботу и внимание. Миясар опа в будущем на-

мерена посвятить все силы и знания делу развития системы здравоохранения страны, широко внедрять в практику современных методы лечения и передового зарубежного опыта, вести подготовку специалистов, обладающих глубокими профессиональными знаниями и навыками, а также активно участвовать в общественной жизни.

Хамидулла  
УБАЙДУЛЛАЕВ.  
Фото автора.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқди. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тахриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилми: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қavat.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)  
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг  
11 март кунин рўйхатга олинган. Гувоҳнома  
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 1470 нуска.  
Буюртма Г-150.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳақи 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.